

5- мавзу. Хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитларини яратишнинг асосий йўналишлари ва услублари.

Асосий саволлар:

1. Соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш тадбирлари
2. Хавфсиз меҳнат шароитларини яратишнинг принциплари ва усуллари ва воситалари
3. Меҳнатни илмий асосда ташкил этиш

Таянч сўз ва иборалар

Хавфсиз меҳнат шароити, тадбирлари мажмуаси, ҳуқуқий тадбирлар, ташкилий тадбирлар, иқтисодий тадбирлар, техник тадбирлар, даволаш–профилактик тадбирлар, муҳофаза тадбирлари, принцип, усул, ғоя, блокировкалаш, масофа билан ҳимоялаш, мустаҳкамлик, ожиз звено, экранлаш, вақт билан ҳимоялаш; фаолиятнинг инсонпарварлиги, одамийлиги, операторни алмаштириш, таснифлаш, хавфни бартараф қилиш, хавфни пасайтириш, меъёрлаштириш, ахборот, назорат, бошқарув, самарадорлик, шахсий ҳимоя воситалари, коллектив ҳимоя воситалари.

1. Соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш тадбирлари

Хавфсиз меҳнат шароити – фаолиятнинг шундай ҳолатики, унда киши соғлиғига таъсир қиладиган яширин хавфлар маълум бир эҳтимоллик билан мустасно бўлади.

Хавфсизликни маълум бир аниқ фаолият турида шаклландирган инсонни ва яшаш зонасини турли–туман хавфлардан муҳофаза қиладиган тадбирлар мажмуаси деб тушуниш керак. Фаолият тури қанча мураккаб бўлса муҳофаза **тадбирлари мажмуаси** ҳам шунча мураккаблашиб боради.

Тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқариш шароитида **ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий, техник, даволаш–профилактик, муҳофаза тадбирларидан** ташкил топади, яъни меҳнат шароитининг яхшиланишига олиб келадиган жами тадбирлар мазмуни бўйича қуйидагиларга бўлинади:

-бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш чора-тадбирлари. Буларга захарли ва енгил алангаланувчи суюқликларни сақлаш жараёнларини механизациялаштириш, ҳимоя мосламалари, тўсиқлар, автоматик ҳимоя воситалари, сигнал мосламалари, масофадан бошқариш асбобларини қўшимча ўрнатиш ва бошқалар киради;

-ишлаб чиқаришда касб касалликларини олдини олиш чора-тадбирлари. Унга ишчиларни ҳар хил касбий зарарлар таъсиридан ҳимояловчи мослама, жиҳозларни тайёрлаш, уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, хоналарни шамоллатиб туриш мосламаларини ўрнатиш ҳамда ишлаб турган мосламаларни ўз вақтида таъмирлаш, ҳаво таркибини текшириш ҳамда назорат ўрнатиш учун асбоб-ускуналар олиш, ўрнатиш ва бошқалар киради;

-меҳнат шароитини умумий яхшилаш чора-тадбирлари. Бунга меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларини ёритувчи кўргазмали хоналар, бурчаклар ташкил қилиш, иш жойларини унумли ёритиш, шовқин ва тебранишларга қарши умумий чора-тадбирлар, махсус ечиниш, ювиниш, кир ювиш, кимёвий тозалаш, кийимларни махсус тикиш хоналарини ташкил этиш киради.

Ишлаб чиқаришда янги технологик жараёнларни татбиқ этиш ва умумий реконструкция қилиш ҳам меҳнат шароитини яхшилаш чора-тадбирларига киради. Бундан ташқари, корхона жамоаси, раҳбарлари, тармоқ вазирликлари ҳамкорлигида меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнат шароитини яхшилаш ва санитария-гигиена чора-тадбирларини ишлаб чиқиб, тармоқ марказий касаба кўмиталари билан келишган ҳолда тасдиқланади.

Фаолият хавфсизлиги шартларини бажариш учун хавфсизликни таъминлаш принципларини тўплаб олиш, хавфсизликни таъминлаш усулларини аниқлаш ва хавфсизликни таъминлаш воситаларини қўллаш талаб қилинади.

2.Хавфсиз меҳнат шароитларини яратишнинг принциплари ва усуллари ва воситалари

Принцип – бу ғоя, фикр, асосий ҳолат.

Усул – бу умумий қонуниятларни билишдан келиб чиққан мақсадга эришиш йўли. Принцип ва усуллар бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлади.

Воситалар – бу принцип ва усулларнинг аниқ тадбиқи бўлиб, конструктив, ташкилий ва моддий аспектларни қамраб олади.

Хавфсизликни таъминлашнинг принцип, усул ва воситалари хавфсизликни таъминлашнинг мантикий босқичларидир. Уларни танлаш фаолиятнинг аниқ бир шароитига, хавфсизлик сатҳига, нархига ва бошқа омилларга боғлиқдир.

Ишлаб чиқариш шароитида хавфсизликни таъминлашнинг қуйидаги **принциплари** қўлланиши мумкин:

– фаолиятнинг инсонпарварлиги, одамийлиги, операторни алмаштириш, таснифлаш, хавфни бартараф қилиш, хавфни пасайтириш;

– блокировкалаш, масофа билан ҳимоялаш, мустаҳкамлик, ожиз звено, экранлаш, вақт билан ҳимоялаш;

– меъёрлаштириш, ахборот, назорат, бошқарув, самарадорлик.

Бу принципларнинг айримлари ҳақида тўхталиб ўтамиз. Масалан: **фаолиятнинг одамийлиги** – бу ҳодимни оғир, хавфли, монотон механик ишлардан имкони борича озод қилиш, ижодий меҳнатга шароит яратиб бериш.

Таснифлаш (категориялаштириш) – бу хавф билан боғлиқ объектларни синф ва категорияларга ажратиш. Масалан: санитария – ҳимоя зоналари (5 та синф), ишлаб чиқариш хоналарини портлаш ва ёнғин хавфи бўйича таснифлаш (А, Б, В, Г, Д), хоналарни электр хавфи бўйича таснифлаш ва ш.ў.

Ожиз звено принципи – бу системага хавфсизликни таъминлаш мақсадида параметрларнинг ўзгаришига сезгир элемент қўйиш билан хавфни

бартараф қилишдир (огоҳлантирувчи клапанлар, химояловчи мембраналар, химояланувчи ерга улаш, химояланувчи узиб қўйиш, яшин қайтаргичлар, предохранителлар ва ҳ.к.).

Ахборот принципи – бу хавфсизликни таъминлаш мақсадида одамларни ўқитиш, йўриқномалар ўтказиш, хавфсизлик белгилари ва ранглар билан таъминлаш, огоҳлантирувчи ёзувлар ва бошқалар.

Меъёрлаштириш принципи–бу иш жойида асосланган параметрларни қўллаш туфайли хавфсизликни таъминлашдир. Масалан, ҳаводаги чангнинг йўл қўйса бўладиган концентрацияси, қўлда юк кўтариш меъёрлари, меҳнат ҳафтасининг давомийлиги ва бошқалар.

Хавфсизликни таъминлашда гомосфера билан ноксосфера ҳеч маҳал бирга бўлолмаслигини аниқ билиш талаб қилинади.

Ноксосфера – ҳар доим хавф мавжуд ёки пайдо бўладиган фазо (машина қобиғининг ички қисми).

Гомосфера – меҳнат фаолияти даврида одам бўладиган фазо (иш зонаси).

Шунинг учун хавфсизликни таъминлаш “Инсон–машина–муҳит” системасида қуйидаги уч усул билан амалга оширилади:

1. Гомосфера билан ноксосферани вақт ёки масофа бўйича ажратиш. Бу масофадан бошқариш, автоматлаштириш, роботлаштириш, ташкилий усуллар қўллаш ва ш.ў.
2. Ноксосферани меъёрлаштириш. Бу ҳодимни шовқин, чанг, газ, жароҳатланиш ва бошқа хавфлардан усқуналарни такомиллаштириш йўли билан химоялаш.
3. Инсонни иш шароитига кўникишига эришиш. Бу касбий танлов, ўқитиш, йўриқномалар ўтказиш, шахсий химоя воситаларини қўллаш ва ҳ.к.

Ҳаётда барча усуллар шароитга қараб биргаликда қўлланилаверади.


Хавфсизликни таъминлаш мақсадида **химоя воситалари** икки турга бўлинади: коллектив химоя воситалари (КХВ) ва шахсий химоя воситалари (ШХВ). Вазифасига қараб иккиси ҳам синфларга бўлинади. Бунда КХВ хавфли ва зарарли омилларга қараб таснифланади (шовқин, титраш, электр зарядларидан ва ҳ.к.), ШХВ эса асосан химояланувчи аъзоларга (бошни, кўзни, нафас йўллари, бетни, қўлларни ва ҳ.к.) қараб таснифланади.

Техник ижролари бўйича КХВ қуйидаги гуруҳларга бўлинади: тўсиқлар, блокировкаловчи, тормозловчи, огоҳлантирувчи мосламалар, сигналлар, хавфсизлик белгилари, автоматик назорат мосламалари, дистанцион бошқурув, ерга улаш, нол симига улаш, шамоллатиш, иситиш, ёритиш, ихоталовчи, зичловчи воситалар ва бошқалар.

ШХМга газниқоблар, ниқоблар, турли–туман коржомалар ва пойафзаллар, қўлқоплар, каскалар, шлемлар, химоя кўзойнақлари, кулоқ тиқинлари, химоя камарлари, дермотологик воситалар ва бошқалар киради.

Уларни хавфли ва зарарли омиллардан вақтинчалик ва ёрдамчи химоя воситалари деб қараш керак.

Хавфсизликни таъминлашда кўнгилсиз ҳодисага олиб келиши мумкин бўлган сабаблар шажарасини тузиш ҳам яхши натижа беради. Бу сершоҳ дарахт кўринишида бўлиб (1-расм), унинг ташкилий (касбий танловдаги хатолар, йўриқномаларни сифатсиз ўтилиши, касбга нисбатан талабчанликнинг сусайиши ва ш.ў.); техник (ускуналарнинг эскирганлиги, улардаги турли носозликлар, электр жиҳозлардаги носозликлар ускуналарнинг вақтида созланмаслиги ва ш.ў.); ижтимоий–иқтисодий (оиладаги иқтисодий қийинчиликлар, ўз ишидан ёки ҳаётдан қониқмаслик ва ш.ў.); руҳий (уйдаги жанжаллар, фарзандсизлик, ноқобил фарзанд, ишхонадаги руҳий ҳолатнинг қониқарли эмаслиги, раҳбарларнинг кўполлиги ва ш.ў.) ва бошқа сабаблар шохлари бўлади. Буларни таҳлил қилиш ва бахтсиз ҳодиса сабабини тез аниқлаш, меҳнат шароитини яхшилаш учун тегишли чораларни кўриш имконини беради.



1- расм. Сабаблар шажараси

3. Меҳнатни илмий асосда ташкил этиш

Соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитини яратишда меҳнатни илмий асосда ташкил этиш энг муҳим омиллардан биридир. Меҳнатни илмий асосда ташкил этишнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

I. Гигиеник йўналишда:

-саломатлик ва иш қобилиятига таъсир қиладиган ишлаб чиқариш муҳити омилларини меъёрлаш;

-ишлаб чиқариш муҳитидаги зарарли омилларни камайтириш ва йўқотиш йўли билан меҳнат шароитларини яхшилаш.

II. Физиологик йўналишда:

-иш жойи, асбоблар, машина ва жиҳозларни физиологик талабларга мувофиқ ҳолда бўлишига эришиш;

- меҳнат ва дам олиш режаларини жорий этиш;

-меҳнатни жисмоний оғирлигини камайтириш , физиологик жиҳатдан етарлича ҳаракат фаоллигини таъминлаш;

-меҳнатнинг ақлий ва эмоционал толиқтиришини камайтириш.

III. Психологик йўналиш:

- пультлар ва машиналар, жиҳозлар тизимларини бошқариш учун бошқа воситалар ихтиро қилишда руҳий талабларни ҳисобга олиш (муҳандислик руҳияти);

-касб танлашда ва касбий талабларга мувофиқ ҳолда шахсий руҳиятларни ҳисобга олиш;

-жамоаларда қулай руҳий кайфият яратиш, ишловчиларнинг меҳнат ва унинг натижаларидан юқори манфаатдор бўлишларини таъминлаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш ва жорий қилиш.

IV. Эстетик йўналиш:

-интерерларни безатишда, ускуналарни жойлаштиришда, ранглар билан безатишда ва бошқаларда ишлаб чиқариш эстетикаси талабларига риоя қилиш;

-техникавий эстетика талабларини бажариш, машиналар, асбоблар, пультлар сингари бошқарув воситаларини ихтиро қилиш.

Тўғри, илмий асосда ташкил этилган меҳнат кишининг жисмоний, интеллектуал ва маънавий камол топишига ҳизмат қилиб, юқори меҳнат унумдорлигига эришишга имкон беради.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Меҳнат шароити деганда нимани тушунасиш?
2. Қандай тадбирлар меҳнат шароитини яратишда энг муҳим ҳисобланади?
3. Хавфсиз меҳнат шароитларини яратишнинг принциплари нималардан иборат?
4. Хавфсизликни таъминлашни қандай усуллари бор?
5. Шахсий ва коллектив ҳимоя воситаларига нималар киради?
6. Меҳнатни илмий асосда ташкил этиш деганда нимани тушунасиш?

7. Сабаблар шажарасини тузиш нима учун зарур ва унинг меҳнат шароитини яхшилашдаги аҳамияти қандай?

Уйга вазифа

1. “Талаба дарсни яхши ўзлаштира олмади”. Бу кўнгилсиз ҳолатнинг сабаблар шажарасини тузинг. Тегишли чора-тадбирни ишлаб чиқинг ҳамда таклифларингизни ёзинг.
2. Меҳнатни илмий ташкил этишга оид ҳаётий мисол келтиринг. Фикрларингизни асосланг.

Фойдаланиладиган адабиётлар

1. Х.Раҳимова, А.Азамов, Т.Турсунов. “Меҳнатни муҳофаза қилиш” Т.: “Ўзбекистон” 2003.
2. Х.Э.Ғоипов., “Меҳнат муҳофазаси”. Ўқув йўлланма. – Т.: “Меҳнат” – 2000
3. “Безопасность жизнедеятельности”. Краткий конспект лекций. Под ред. Русака О.Н. Ленинград, 1991.
4. “Безопасность жизнедеятельности”. Под общей ред. проф. Белова С.В., М., «Высшая школа». 2000.
5. Қудратов О.Қ., Ғаниев Т.А., Сосновский Ю.С. “Ҳаётий фаолият хавфсизлиги”. Маърузалар матни. ТТЕСИ. 2000 й.
6. Yormatov G‘.Yo. va boshqalar. Hayot faoliyati xavfsizligi -Т.: “Аloqachi”, 2009 yil. - 348 b.
7. Yuldashev O.R., Jabborova SH.G. Hayot faoliyati xavfsizligi. Darslik. Т., 2011, 468 b.
8. Ў. Йўлдасhev ва бошқалар. Меҳнатни муҳофаза қилиш. Т.: Меҳнат, 2001.